Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2016-yil, 21-yanvar. Payshanba • 10 (32.069) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД РУҲИДА

БУХОРОДА 2015 йил якунлари ва 2016 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими М.Эсонов бошқарган йиғилишда 2015 йилда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди. Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида вилоят иқтисодиётининг барча соҳаларида изчил ўсиш таъминланди. Ялпи ҳудудий маҳсулот 7,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 7, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 11,7 фоизга ошди. Кичик бизнеснинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 67,4 фоизга, саноатдаги улуши 32,6 фоизга етди.

Вилоятда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 3 триллион 878,4 миллиард сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. Бу борадаги ўсиш 2,1 фоизни ташкил этди. Ушбу маблағларнинг 1 триллион 458,6 миллиард сўми хорижий инвестициялардир. Ўтган йили 11 соғлиқни сақлаш, 32 умумтаълим мактаби, 5 болалар спорти иншооти, жами 87 ижтимоий объект қурилиб, фойдаланишга топширилди. 24 қишлоқ аҳоли пунктида тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Ушбу бунёдкорлик ишларига қарийб 100 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

Ҳисобот даврида намунавий лойиҳалар асосида 24 массивда 920 дан зиёд замонавий уй-жой барпо этилиб, ушбу ҳудудларда умумий узунлиги 50,4 километр ичимлик суви, 23,2 километр электр тармоғи, 37,1 километрлик газ қувури тортилди. 22,3 километр йўллар қурилди.

Вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 2015 йилда 74 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Доимий иш билан таъминланганларнинг 26 мингта яқини коллежлар битирувчиларидир.

Йиғилишда айрим соҳаларда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётгани аниқ мисоллар асосида танқид қилинди. Жумладан, Шофиркон, Пешку, Вобкент, Жондор, Бухоро ва Ғиждувон туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Бухоро вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

Эркин ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

МАҚСАД — ОЛДИНГА ЮРИШ ВА ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЕТИШ

Бунинг учун аввало партияга берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланиш, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда қатъийлик ва ташаббускорлик кўрсатиш зарур

Пойтахтимиз Тошкентда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя этиш бўйича ташаббускорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан дастлаб **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, парламент Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ҳотамжон КЕТМОНОВ** маъруза қилди.

► *Давоми 2-бетда.*

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА ФИКР

Ишчи-ходимларнинг манфаатлари таъминланади

Меҳнат қилиш инсоннинг устувор ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги кунда одамларга муносиб иш шароитини яратиш, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Айни кунларда парламент қуйи палатасида кўриб чиқилаётган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси бу борада муҳим ўрин тутади.

Айтиш керакки, мустақиллик йилларида меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, 1993 йилда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Шу асосда меҳнат қонунчилигига алоқадор қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бу ишчи-ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этди.

Бироқ вақт ўтиши билан бозор иқтисодиётининг замонавий талабларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, меҳнат қонунчилиги ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларга мос равишда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруряти пайдо бўлди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини амалга оширишга доир қўшимча тадбирлар комплексига мувофиқ мазкур Қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Айтиш керакки, қонун лойиҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари ва тавсиялари инобатга олинган.

► *Давоми 2-бетда.*

ХУШХАБАР

— Шаҳримиз кун сайин эмас, балки соат сайин ўзгариб бораяпти, — деб фахрланади Қарши шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари, партия кенгаши раиси Рашид Муртазоев. — Айниқса, боғлар кенгаймоқда, хиёбонлар кўпаймоқда, шаҳар кўркига-кўрк қўшилмоқда.

Қаршининг чиройига чирой қўшилмоқда

Муҳтарам Юртбошимиз ўтган йили вилоятимизга келганида Қарши шаҳридаги қурилишлар билан танишган, фойдали маслаҳатлар берган эди. У кишининг таклифларидан бири Қашқадарё дарёси устидаги тарихий Амир Темур кўприги атрофини ободонлаштиришга қаратилган эди.

Шу асосда дарёнинг икки қирғоғини мустаҳкамлаш, дарахтзорлар барпо этиш, аҳоли дам олиши учун зарур шароитларни яратиш режалари тузилиб, бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Дарёни тўсиб, 3 тўғон барпо этиляпти. Тўғонлар дарё сувини сақлаб, жазирама иссиқ кунларда иқлимни юмшатишга хизмат қилади. Барча ишларни бош пудратчи «Шўртангазкимё» мажмуига қарашли қурилиш унитар корхонаси амалга оширмоқда. Ободончилик ишларига 500 нафарга яқин қурувчи жалб этилган. Тез орада бу обод маскан дам олувчиларга тўлиб-тошади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янгиликлар, Бунёдкорликлар, Хабарлар...

Фарғона

Осойишталигимиз посбонлари танлови

Фарғона шаҳридаги миллий маданий марказлар мажмуасида «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Бу ҳақда «Фарғона ҳақиқати» газетаси сайти хабар бермоқда.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, Фарғона шаҳридаги «Ифтихор» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 3-сон милиция таянч пункти 1-ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

Қўқон шаҳридаги «Марғилон дарвозаси» маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган 50-сон милиция таянч пункти 2-ўринни, Марғилон шаҳар «Тут таги» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 73-сон милиция таянч пункти эса 3-ўринни эгаллади.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғаларни Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Ғаниев, вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Аловиддин Султонов топширди.

Жиззах

Бандлик — бош масала

Ўтган йили Жиззах шаҳридаги 9 касб-ҳунар коллежини 43 мутахассислик бўйича 3173 нафар ёш битирди. Бу ҳақда Жиззах вилоят ҳокимлиги расмий сайтида маълумот берилган.

— Шаҳарда кейинги беш йилда 467 корхона ишга туширилди, — дейди **Жиззах шаҳар ҳокимлигининг бош мутахассиси Акбар Қаюмов.** — 2015 йилда умумий қиймати 153 миллиард 454 миллион сўмлик 46 лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида кўплаб иш ўрни яратилди. Иш билан таъминланган фуқароларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Яқинда шаҳардаги «Қалия» маҳалласида «Жиззах гранд текстиль» масъулияти чекланган жамияти томонидан 1 миллион 268 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига йилига 2,5 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга фабрика иш бошлади. Мазкур фабриканинг ишга туширилиши натижасида яна 60 янги иш ўрни яратилди.

Тошкент вилояти

Божхоначиларга янги уйлар

Қуролли кучларимиз ташкил этилганлигининг 24 йиллиги байрами Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Олмалиқ» ва «Ангрен» ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида хизмат қилаётган божхоначилар ва уларнинг оила аъзолари учун қўшалоқ шодиёнага айланди. Ангрен шаҳрида 32 нафар божхоначиларга янги хизмат уйининг калити тантанали равишда топширилди. Бу ҳақда Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати хабар бермоқда.

Хизмат уйида барча қулайликлар яратилган бўлиб, замонавий мебель жиҳозлари, маиший техника буюмлари билан таъминланган.

Бу ерда божхоначилар ва уларнинг оила аъзолари спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун спорт комплекси ҳамда болалар спорт майдончаси ҳам ташкил этилди.

ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2015 ЙИЛДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИДА 21 МАСАЛА, ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА 19 МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. 19 МАСАЛА СЕССИЯГА КИРИТИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. ПАРТИЯ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ АСОСИДА 14 МАСАЛА ЎРГАНИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 450 ГА ЯҚИН ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА КОММУНАЛ СОҲАГА ОИД 1500 ДАН ОРТИҚ МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛИБ, ҚОЛГАНЛАРИ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

■ Аҳоли бандлигини таъминлаш, иш ўринлари ташкил этиш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ўз мутахассислигига мос ишга жойлаштириш, қонунлар, давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурларининг ижроси юзасидан парламент ҳамда депутатлик назоратини кучайтириш, бу масалада аниқ таҳлил ва рақамларга асосланишимиз талаб этилади.

МАҚСАД — ОЛДИНГА ЮРИШ ВА ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЕТИШ

Бунинг учун аввало партияга берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланиш, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда қатъийлик ва ташаббускорлик кўрсатиш зарур

Собитхон ТУРҒУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз маърузасида ўтган йили мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар сарҳисоб қилиниб, барча соҳада эришилган натижалар, йўл қўйилган камчиликлар бирма-бир таҳлил этилди, шунингдек, жорий йилда Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширишимиз лозим бўлган энг муҳим вазифалар, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишлари белгилаб берилди, — деди партия етакчиси. — Шу ўринда мамлакатимизда кенг кўламли, узоқни кўзлаган ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилаётгани, тадбиркорликка кенг йўл очиш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим шартига айлангани, инвестициялар, аввало, чет эл инвестицияларининг ҳажми ошиши иқтисодиётимиз барқарор ўсишида асосий омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўтган йили халқимизнинг реал даромадлари 9,6 фоизга ошиб, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 21,9 фоизга кўпайган бўлса, жорий йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоизга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлари 9,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг миқдори турли манбалар ҳисобидан 15 фоизга ошиши кутилмоқда. Бу рақам ва кўрсаткичлар, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошишида, айниқса, партиямиз электорати манфаатлари таъминланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани барчамизнинг қалбимизда фахр-ифтихор ҳиссини кучайтиради, шу билан бирга, зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди, албатта.

Шуни таъкидлаш жоизки, 2016 йилда давлат Бюджетида илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тармоқларини ўзида мужассам этган ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар 2015 йилдагига қараганда анча кўпроқдир. Жорий йилда мазкур кўрсаткич давлат Бюджети умумий харажатларининг 59,1 фоизини ташкил этиши кутиляпти. Бу ҳам юртимизда инсоннинг бирламчи ҳуқуқларини таъминлаш йўлида оқилона сиёсат олиб бориладаётганидан далолат бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида юртимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида тўхталиб ўтар экан, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароит яратиш лозимлигига эътибор қаратди. Келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Биз партиямиз Сайловолди дастури ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида олдимизда ўта муҳим вазифалар турганини чуқур ҳис этишимиз керак. Шундан келиб чиқиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, иш ўринлари ташкил этиш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ўз мутахассислигига мос ишга жойлаштириш, қонунлар, давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурларининг ижроси юзасидан парламент ҳамда депутатлик назоратини кучайтириш, бу масалада аниқ таҳлил ва рақамларга асосланишимиз талаб этилади, деди партия раҳбари.

Ўрни келганда маърузада илгари сурилган яна бир масалага эътибор қаратмоқчиман. Бу — эскирган, талабга жавоб бермайдиган асбоб-ускуналарни олиб келиш ва ишга тушириш юзасидан буюртмачиларнинг жавобгарлигини кучайтириш бўйича Маъмурий жавобгарлик кодексига ва Жиноят кодексига аниқ моддалар киритиш масаласидир.

Ҳаммамизга маълум, барқарор иш ўринлари яратиш, ёшлар бандлигини таъминлашда инвестиция дастурлари бекаму кўст бажарилиши, янгидан ишга туширилаётган корхоналар, каттакичик цехларнинг барқарор ишлаб кетиши, бунда ўз навбатида, ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифати муҳим ўрин тутади. Шундан келиб чиқиб, фақат Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси эмас, балки барча депутатлик бирлашмаларимиз бу борада ўзига тегишли хулосалар чиқариб олиши, малакали мутахассис ва экспертлар иштирокида мавзу муҳокамаларини ташкил қилиб, чуқур илмий ҳамда амалий асосга эга таклифлар шакллантириши зарур.

Фаолиятимизнинг яна бир муҳим йўналиши бу, албатта, тарғибот-ташвиқот тадбирлари самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Хусусан, ижтимоий фаровонликни таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш борасида эришилаётган ютуқлар замирида изчил саъй-ҳаракат, катта меҳнат борлигини, бугунги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини сайловчилар, электорат вакилларига ҳаётий мисоллар билан тушунтирмоғимиз лозим. Бу жараёнда, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида боқимандалик кайфиятини бутунлай йўқотиш, яратилган янги шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишга рағбат уйғотиш ҳаммамиз учун муҳим вазифадир.

Бундан ташқари, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг электорат манфаатлари билан боғлиқ муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш бўйича ташаббускорлигини янада ошириш, бу борада қонуний ваколатлардан унумли фойдаланиш, айниқса, вакиллик органларида маҳаллий ҳокимликлар мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш амалиётини кенг йўлга қўйиш долзарб аҳамият касб этади.

Ҳотамжон Кетмонов ушбу масалаларда, шунингдек, партиямизнинг 2016 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросига эришишда туман ва шаҳар Кенгашларида мутлақ кўпчиликни ташкил этадиган партия гуруҳларимиз бошқаларга намуна бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Жорий йилнинг Соғлом она ва бола йили деб номланиши, мазкур йўналишда Президентимиз маърузасида давлат ва жамиятимиз олдида турган долзарб масалалар белгилангани муносабати билан жойларда оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало, аёллар учун янада қулай шароит яратиш, бу борада олиб борилаётган ишлар устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш ҳаётий заруратдир.

ЎзХДП етакчиси Сайловолди дастури ижросини таъминлаш учун сиёсий партияларга берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда ташаббускорликни ошириш, қатъийлик кўрсатиш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг депутатлар, ҳудудий партия ташкилотлари етакчилари кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Гулшан АСАТОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори мудири:

— Партиямиз тизимида «Фаол аёллар» қаноти томонидан ўтказилаётган тадбирлар, амалга оширилаётган турли лойиҳалар орқали опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Масалан, 2015 йилда қатор лойиҳалар доирасида ўтказилган тадбирларда қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар қонун ҳужжатлари ижроси билан боғлиқ 300 дан ортиқ масала юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Албатта, кўтарилган масалаларга жойларнинг ўзида депутатлик сўровлари, оғзаки ва ёзма мурожаатлар орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ечим топиляпти. Демак, биз хотин-қизларни ўйлантираётган масалалар бўйича таклифларни биринчи навбатда уларнинг ўзидан олишимиз, бунинг учун лойиҳаларимиз ва тадбирларимизни номлашдан тортиб режалаштиришгача умумий ёндашувлардан, зерикарли дастурлардан бутунлай воз кечишимиз керак. Шунда хотин-қизлар, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган опа-сингилларимизнинг турмуш шароитларини енгиллаштиришга хизмат қиладиган ташаббуслар билан чиқишга эришамиз.

Президентимиз маърузасида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, перинатал ва скрининг марказлар, патронаж хизматларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва мустаҳкамлаш каби долзарб вазифалар илгари сурилди. Уларнинг амалга оширилиши биринчи навбатда аёлларимиз, оналаримизни хурсанд қилади. Буни асло унутмаслигимиз лозим.

Қўшма йиғилишда, шунингдек, **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Жасур Кулмуҳаммедов, Тошкент вилоят партия кенгаши сектор мудири Илмижаҳон Тлеубергенова, ЎзХДП Бўка туман кенгаши раиси Холбек Сулаймонов** сўзга чиқиб, партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмаларининг долзарб вазифалари бўйича фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

Шу асосда қўшма йиғилишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари учун дастлабки чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

«Бош мақсадимиз — мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» номли маъруза тез кунларда Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгашларининг кенгайтирилган йиғилишларида чуқур ўрганилиб, вазифалар белгилаб олинади.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

■ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА ФИКР

Ишчи-ходимларнинг манфаатлари таъминланади

Шунингдек, 20 дан зиёд чет эл, шу жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг тажрибаси ўрганилган ва улардаги илғор тажрибалар ҳисобга олинган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйича ҳар йили меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган сабаблар туфайли 2 миллионга яқин киши вафот этади, 160 миллионга яқин киши касб касалликларига дучор бўлади. Дунёда жами ишлаб чиқариш билан боғлиқ 270 миллионга яқин бахтсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Мана шу рақамлар ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш масаласининг долзарблигини кўрсатиб турибди.

Ҳаммамизга аёнки, кейинги йилларда республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш, бошқарувнинг бозор механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида олиб борилаётган тизимини ишлар натижасида хусусий секторда иш берувчиларнинг сони сезиларли даражада кўпайди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 56 фоиздан зиёдни ташкил этди. Ҳозирги вақтда банд аҳолининг 77 фоиздан зиёди шу соҳада меҳнат қилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасида иш берувчининг, ташкилотлар ходимларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш борасидаги масъулиятини кучайтириш, давлат бошқаруви органлари ва идораларининг меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати бўйича лозим даражадаги назоратини таъминлаш масалалари назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги — меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат органи экани белгиланмоқда, унинг зиммасига меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан қатор меъёрлар назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, бошқа давлат бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари, мажбуриятлари ҳам белгиланяпти.

Шунингдек, қонун лойиҳасида касбий хавф бўйича хатари паст ташкилотларда ҳамда муҳофаза қилиш хизматини ташкил этишга имконияти етмаган кичик корхоналарда (ходимлар сони элликдан камроқ бўлган ташкилотларга) соҳадаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларини (мазкур соҳада фаолият юритадиган тадбиркорларни) жалб қилиш мумкинлиги назарда тутиляпти.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш ҳамда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тугатишда ортиқча харажатларнинг олдини олиш, ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишни тўғри ташкил этиш чоралари ҳам кўзда тутилмоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ хизматлар бозоридаги профессионал иштирокчиларга қўйиладиган талаблар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши бўйича меъёр кўзда тутиляпти.

Қонун лойиҳасига меҳнатни муҳофаза қилишда давлат назорати, меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси ва меҳнат хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатларининг мониторинги каби тушунчалар киритилиши, қолаверса, меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонуний талабларни бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Яна бир муҳим томони, иш берувчининг ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланяпти. Хусусан, хотин-қизлар, вояга етмаган шахслар, пенсия ёшидаги шахслар, шунингдек, меҳнат қобилияти чекланган шахсларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар ҳам тартибга солинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун лойиҳаси ишчи-ходимларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда, меҳнат шароитларини янада яхшилаш ва меҳнат учун меъёрий шароитларни яратишда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Аҳад АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА 13 ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. ЎТГАН ЙИЛИ УЛАРГА ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН 569 МУРОЖААТ БЎЛДИ. МУРОЖААТЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

▪«Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос бера олмайди»

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ТАҲДИДЛАР

Бугун қандай кўринишларда намоён бўлмоқда? Уларга қарши қандай курашмоқ керак?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур билан суҳбат.

— Президентимиз ҳар бир нутқида албатта ёшлар таълим-тарбияси ҳақида қайғуриб гапиради. 2016 йилни Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилиниши замирида ҳам соғлом авлодни тарбиялашдек улуғ мақсад ётибди. Мамлакатимиз раҳбари куни кеча Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида ҳам соғлом она ва боланинг жамият мустаҳкамлигидаги ўрни, ёшларимизнинг жисмоний соғломлиги ва маънавий камолоти йўлида қилинадиган ишларга алоҳида тўхталди.

Сиз нима деб ўйлайсиз, бугун ёшлар тарбиясида қандай салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда? Қандай ижобий жиҳатларни эътироф этасиз?

— Аввало, ижобий жиҳатларини айтай, чунки истеъдодли ёшларимиз кўп. Улар илм-фан соҳасида ҳам, санъат ва спортда ҳам катта ютуқларга эришиб, юртимиз обрўсига обрў қўшмоқда. Ота-онасини рози қилмоқда, халқимиз ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Бироқ ҳозирги глобаллашув замонида ёшлар тарбиясида айрим муаммолар ҳам илдиз отаётгани кўзга ташланмоқда. Оддий бир мисол, яқин ва узоқ қариндошлар, ҳатто баъзи туғишган ака-ука, опа-сингил ўртасида шу пайтгача кузатилмаган меҳр-оқибат заифлиги учрамоқда. Айрим ёшларда эса енгил-елпи ҳаётга мойиллик сезилмоқда. Бунинг сабаблари кўп, албатта.

Дунё глобаллашаётган ҳозирги даврда, айниқса, чет эл телеканаллари ва интернет орқали маънавиятга зиён етказувчи таъсирлар ҳам ҳаётга кириб келмоқда. Бу каби бузғунчи ғоялардан ёшларни асраб-авайлашнинг бирдан-бир йўли — аввало, миллий қадриятлар, тарбия, маърифат.

«Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига хулку одобдан буюкроқ мерос бера олмайди», деб марҳамат қилган Расулуллоҳ (С.А.В). Демак, сиз айтган ҳолатга биринчи навбатда биз — ўзимиз, яъни, ота-оналар йўл қўйиб бераётир. Ўз фарзанди ҳаётига лоқайд қараш мана шундай оғир оқибатларга олиб келади. Чунки ўғил ё қизга ўз ота-онасичалик яқин одам бўлмайди. Қолаверса, мураббийлар ва ўқитувчилар, зиё аҳли маърифий тарбияга жиддий ёндашиши зарур.

— Ёшлар тарбиясига таҳдид солаётган яна бир хавф-хатар — бу диний экстремизм экани кўпчиликка маълум. Мўътабар динимиз номидан иш кўраётган террорчилар бегуноҳ одамларнинг қонини тўкмоқда, вайронагарчиликлар содир этмоқда. Энг ачинарлиси, бу қабиҳ ишларга, жиноятларга ёшларни тортишмоқда. Ислом динини нотўғри талқин қилиб ёшларни йўлдан урмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Уфада ўтган саммитида «Ислом давлати» тушунчаси мазмун-моҳиятини дунё жамоатчилигига кенг очиб бериш, бу масалага нуфузли халқаро ташкилот (БМТ) алоҳида жиддий эътибор қаратиши, мутахассислар «Ислом давлати» деган тушунчанинг илдизини тадқиқ этиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Ислом уламоси сифатида Сиз ушбу масалага қандай қарайсиз?

— Минг афсуслар бўлсинки, муқаддас динимиз номидан ғаразли мақсадда иш кўриш кейинги йилларда анча авж олди. Исломий-тарихий манбаларда келтирилган ва ўз даврига хос бўлган «жиҳод», «шаҳидлик», «ҳижрат» каби атамалар бугунги кунда қабиҳ экстремистик ва террористик уюшмалар томонидан бузиб, уларнинг манфаатига хизмат қиладиган тарзда ғаразли талқин этилиши дунё мусулмонларига жиддий азият етказмоқда. Чет эл оммавий ахборот воситалари уларни «исломчи» деб атаётгани эса вазиятни янада чигаллаштириб юбормоқда. Сир эмас, Ироқ ва Суриядан миллионлаб қочқинлар тинч ва хотиржам ҳаёт истаб, Европага кўчаётир. Уларнинг янги «ватан»да осойишталик топишлари ҳам амри маҳол.

Муҳтарам Президентимиз нафақат Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитларида, балки турли йиғин ва халқаро анжуманларда ёшларни йўлдан ураётган бузғунчи оқимларни, террорчиларни ва уларнинг ортида турган қора кучларни доим қоралаб, одамлар тинчлиги, осойиши учун инсонпарвар кучларни курашга ундаб келадилар.

Яқин Шарқ, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Яман диёрларида рўй бераётган хунрезлик, қирғинбарот урушлар на дин ва на мантиққа тўғри келади. Бу каби ғайриинсоний тажовузга барҳам бериш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаси. Бунинг учун, аввало, ёвузликнинг илдизини очиб, башариятга кўрсатиш, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ лозим.

— Мана шундай бузғунчи оқимлар ёшлар ҳисобига сафини тўлдириб бораётгандек туюлади. Назаримда, енгил-елпи яшашга интилиш оқибатида улардан айримлари ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмоқда. Бу иллатлардан ёшларни асраш учун қандай йўл тутиш керак?

— Экстремистик оқимлар ташвиқотига лаққа тушаётган, уларнинг тузоқларига илинаётган ёшларнинг деярли ҳаммаси чаласавод, чуқур билими йўқ ва мустақил фикрга эга бўлмаган кимсалар. Шунинг учун ҳам ёшлар билимли, малакали, юқори даражали мутахассис бўлиб етишиши учун Давлат таълим дастурлари ишлаб чиқилган. Ҳозирги давримизда мактаб, лицей ва коллеж ҳамда олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, дунёда кечаётган воқеа-ҳодисалар таҳлили ва моҳиятини уларга тушунтириб бориш зарур, деб ўйлайман.

— Ёш авлод тарбиясида оила, ўқув юрти ва жамоатчиликнинг ўрни ҳақида қандай фикрдасиз? Сиз бу жараённи қандай кўришни истайсиз?

— Тарбия — бу буюк ҳикмат. Тарбияси бузуқ ёки заиф бўлган одамдан нима кутиш мумкин? Ҳозир кўп ёшлар тарбия ёки одоб-ахлоқни, аниқ айтганда, тушунчани ота-она ёки ўқитувчидан эмас, интернет сайтларидан, муаллифининг тайини йўқ уйдирма ахборотлардан олмоқда. Ундай маълумотлар эса муайян ғараз билан тайёрланади. Шунинг таъсирига тушиб қолган ёшлар эса ота-она меҳри, устоз ва мураббий қадрини билмайди. Бу каби қадриятлардан узоқлашиб кетади. Бу ҳол, табиийки, ота-она ва устоз-мураббийлар зиммасига янада кўпроқ вазифа юклайди. Улар ёшларни ўзларига жалб қилиш учун мароқли ва замонавий йўлларни қидириши лозим. Ўғил-қизларда: «Бугун устозлардан яна ҳам қизиқарли сабоқ оламан, билмаганларимни сўраб, масалага ойдинлик киритаман», деган интилиш бўлиши учун, хўш, нима қилиш лозим? Биз шу ҳақда жиддий бош қотиришимиз лозим. Бошқа йўл йўқ. Чунки глобаллашув жараёнини тўхтатиб бўлмайди. Интернет ва бошқа ахборот воситаларидан ҳам воз кечиш мумкин эмас. Бу — ҳаёт оқими. Биз ўғил-қизларимизга замонавий ахборот манбаларидан оқилона фойдаланиш йўлини кўрсатсак, уларни ёмон билан яхшининг фарқига боришга ўргатсак ва ҳар томонлама ибрат бўлсак, фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмайди.

— Ёш авлод тарбияси борасида мусулмонлар идораси, унинг жойлардаги вакиллари қандай маърифий ишларни олиб бормоқда?

— Ёш авлодни комил инсон руҳида тарбия қилишда оила, ўқув юртлари, маҳалла ва жамоатчиликнинг ўрни беқиёс, албатта. Қайси жойдан жиноятчи, адашган ёки саёқ ёшлар чиқаётган бўлса, билингки, мана шу масъул соҳалар лоқайдлиги туфайли. Демак, улар ёш авлод тақдирига етарли эътибор қаратмаётир. Ўз бурчини, вазифасини виждонан адо этмаётир. Ёшлар тарбияси борасида кўп иш қилинаётир, аммо мазкур жараёнда изчиллик ва собитқадамлик етарли эмас. Мен ёшлар тарбиясига масъул бўлган ҳар бир шахс уларнинг бахт-саодати йўлида фидойи ва бир-бирига намуна бўлишини истардим. Зеро, муқаддас динимиз таълимотига кўра, одам фақат ўз манфаатини ўйлаб яшаши мақбул эмас. Ўзгалар манфаатини биринчи ўринга қўйиб, кўпроқ эл-улус ғамини еб яшаш, одамларга моддий ва маънавий ёрдам бериш эса азиз-авлиёларга хос хислат ва фазилат дейилади. Мир Алишер Навоий ҳазратлари бежиз:

Кимки бир кўнгли бузуқни хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай, — демаган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси, унинг тасарруфидаги барча масжидларнинг имомлари, мадрасаларнинг мударрислари, вилоятлардаги вакиллари диёримиз мусулмонларига шариат аҳкомларини етказиб бериш билан бирга, муҳим мавзуларда маърифий ваъз-насиҳат ўтказилиши анъанавий тарзда йўлга қўйилган. Шунингдек, ёшлар тарбиясига оид адабиёт ва қўлланмалар тайёрлаб, нашр этиш изчил тус олган.

Булардан ташқари, мутасадди ва масъул ходимлар томонидан ҳар йили вилоятларда мингга яқин учрашув ва маърифий мулоқотлар ўтказиб келинади. Махсус дастурлар асосида илмий-амалий семинар ва анжуманлар ташкил қилинади. Бу каби илмий-маърифий тарғибот ишлари ҳеч вақт ниҳоя билмайди.

Ўғил-қизларимизга тўғри тарбия берсак, уларнинг тушунчаси бой ва мустаҳкам бўлса, бизнинг орзу-истакларимизни рўёбга чиқаради. Фарзандлар бизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Улардан вақтни, меҳрни, илмни, тарбия ва эътиборни аямаслигимиз лозим.

«Ўзбекистон овози» мухбири Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.

■ ХАБАРЛАР

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2015 йил якунлари муҳокама қилиниб, тизим олдидаги муҳим устувор вазифалар ва амалдаги инвестиция дастурлари юзасидан бажариладиган ишлар белгилаб олинди. Бу ҳақда акциядорлик жамияти матбуот хизмати хабар бермоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари»:

2015 йилда 20,7 миллион йўловчи ўз манзилига етказилди

Йиғилишни **«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ачилбой Раматов** олиб борди. Маълумотларга кўра, ўтган йили 20,7 миллион йўловчи ўз манзилига етказилди. Темир йўл станцияларидан 67,7 миллион тонна юк ташилди. Экспорт хизматлари кўрсаткичи 347,7 миллион АҚШ доллар миқдорига тенг бўлиб, бу прогнозга нисбатан 100,2 фоизни ташкил этган. Саноат корхоналарида 388,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга катта аҳамият берилиб, 2015 йилда бу кўрсаткич 323,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Инвестиция дастурига мувофиқ барча манбалар ҳисобидан 2015 йил прогнози бўйича 734,9 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштириши кўзда тутилган эди. Йиғилишда ўтган йилда ушбу йўналишда 17 лойиҳа бўйича, жами 755,16 миллион АҚШ доллари миқдорида ёки прогнозга нисбатан 102,8 фоиз капитал маблағлар ўзлаштирилганлиги айтиб ўтилди.

2015 йилда 105 локомотив секциялари таъмирланиб, 1258 вагоннинг хизмат муддати узайтирилди. 240 километр темир йўл реабилитация қилиниб, 98,5 километр янги темир йўл қурилганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Йиғилиш сўнгида 2016 йилда ҳам темир йўл тизимида ўсиш суръатларини янада юксалтириш, жорий йилда бажарилиши зарур бўлган асосий вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, инвестиция дастури бўйича режалаштирилган маблағларни тўлиқ ўзлаштириш, «Ангрен — Поп» электрлаштирилган янги темир йўл линияси қурилишини тугатиш, «Самарқанд — Бухоро» йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаси бўйича ишларни якунлаш, «Қарши — Термиз» участкаларини электрлаштириш ишларини давом эттириш ва асосий фаолият кўрсаткичларини ўз вақтида, ортиғи билан бажариш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Олтин ажратишнинг

янги усули ихтиро қилинди

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ходимлари ишланиши қийин бўлган сульфид рудалардан олтин ажратиш усулини ихтиро қилдилар. Бу ҳақда Интеллектуал мулк агентлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Мазкур усул олтин биогидрометаллургияси, хусусан, ишланиши қийин бўлган сульфид рудалардан олтин ажратишда фойдаланишга мўлжалланган.

Муаллифлар жамоасига ушбу ихтиро учун № IAP 05134 рақамли патент берилди.

■ ТАДБИР

Тошкент молия институтида 2015-2016 ўқув йилида битирувчи бакалавр ва магистрларни иш жойларига тақсимлаш мақсадида «Карьера кунлари» меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг етакчи тижорат банклари, молия муассасалари, йирик корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, талабаларга бўш иш ўринлари таклиф этилди.

БИТИРУВЧИЛАРГА МУНОСИБ ИШ ЖОЙЛАРИ

— Бир неча йиллардан буён анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган бундай меҳнат ярмаркалари ҳар томонлама ижобий самара бераётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, — дейди **тадбир ташкилотчиларидан бири, иқтисод фанлари номзоди, доцент Нарзулла Обломуродов.** — 2015-2016 ўқув йилида институтимизни 1400 нафар бакалавр ва магистрлар битириб чиқади. Ҳозирги ҳисоб-китобларимизга қараганда, меҳнат ярмаркасида 700 нафардан зиёд бакалавр ва магистрлар билан шартнома тузилди. Ўқув йили якунигача барча битирувчиларимиз шартнома асосида муайян иш жойларига эга бўлишига эришамиз.

Битирувчи талабаларни ишга жойлаштиришда биргина меҳнат ярмаркаси билан кифояланиб қолаётганимиз йўқ. Ўқув йили давомида «Банк иши» таълим йўналиши бўйича институтни тамомлаётган 200 дан ортиқ талабага амалий кўмак бериш мақсадида Марказий банк ташаббуси билан Халқ банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Агробанк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Hamkorbank», «Ипотека-банк», «Алоқабанк» ва «Asia Alliance Bank» сингари 20 дан ортиқ етакчи тижорат банклари томонидан тақдимот тадбирлари ва турли танловлар ўтказилди.

«Энг яхши битирув-малакавий иши», «Энг иқтидорли талаба» каби ижодий танлов ғолиблари улар томонидан пул мукофотлари, қўшимча стипендиялар ҳамда ишга жойлашиш сертификатлари билан тақдирландилар. Кўпгина талабаларимиз ҳар йили тижорат банклари стипендияларини қўлга киритиш билан бирга келгусида иш ўринларига ҳам эга бўлмоқда.

Бундан ташқари, биз олдинги ўқув йилларида институтимизни битириб кетган ва уч томонлама шартнома асосида ишга жойлашган талабаларимизнинг фаолиятини ҳам мониторинг қилиб борамиз. Масалан, 2014-2015 ўқув йилида ўқишни битирган талабаларимизнинг иш фаолияти бўйича ўтган йилнинг октябрь-ноябрь ойларида мониторинг ўтказдик. Ўқитувчиларимиз бевосита вилоятларга бориб, шаҳар ва туманлар кесимида маҳаллий ҳокимият ва тегишли вазирликлар вакиллари билан улар фаолиятини ўрганиб, муаммо бўлса, ўша жойнинг ўзида ечимини топишга ҳаракат қиляпти.

Бу чора-тадбирлар туфайли институтимизни битирган талабаларимиз барқарор иш ўринларига эга бўлишмоқда.

Нуруллоҳ ДОСТОН ёзиб олди.

■ РЕКЛАМА

XALQ BANKI

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки

юридик ва жисмоний шахсларни банк томонидан ташкил этилган ва ўтказилаётган турли лотерея билетларини тарқатиш бўйича томонлар учун манфаатли шартлар асосида ҳамкорликка таклиф қилади.

Ҳамкорлик шартномаларини имзолаш учун Халқ банкининг жойлардаги туман ва шаҳар филиалларига мурожаат қилиш мумкин.

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
(+998 71) 120 17 33, 120 17 24, 233 78 97

Хизматлар лицензияланган.

XALQ BANKI

«Омад кулганда» (2-чиқарилиши) тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси иштирокчилари

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки

«Омад кулганда» (2-чиқарилиши) тиражли, пул-буюм ютуқли лотереяси бўйича 2015 йил 24-25 октябрда Самарқанд шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражи натижаларига кўра, ютуқли деб топилган лотерея билетлари соҳибларини банк филиалларига мурожаат қилиб, ўз ютуқларини расмийлаштиришларини сўрайди.

Ютуқли лотерея билетлари жорий йил 29 февралигача тўловга қабул қилинади, ушбу муддат тугагандан сўнг, лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Шошилинг, ютуқларни ўз вақтида олишни унутманг!

Хизматлар лицензияланган.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

2015 ЙИЛДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 7 МИЛЛИАРД 400 МИЛЛИОН ДОЛЛАР БЎЛГАН 158 ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОБЪЕКТИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

СПОРТ

■ Диёра Келдиёрова (48 кг) қизлар ўртасида жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Шунгача қизларимиздан бирортаси бундай юксак натижага эришмаган эди.

ХАБАРЛАР

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан 2016 йилнинг 18 январидан 22 апрелигача республикамиз бўйлаб «Ўзбекистон — бағрикенг диёр» фотокўргазмаси ўтказилади.

«Ўзбекистон — бағрикенг диёр»

фотокўргазмаси иш бошлади

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан ижтимоий соҳаларда, жумладан, маданият ва спорт йўналишларида амалга оширилаётган ишларни намойиш этиш, шунингдек, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олганини кенг тарғиб этиш фотокўргазманинг асосий мақсадидир.

Кўргазмада бунёдкорлик, маданият, санъат, спорт борасида эришилган ютуқлар намойиш этилмоқда. Шу билан бирга, тадбир доирасида концерт дастури, китоблар кўргазмасини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

«НТВ» телеканалида

«Поедем, поедим!» кўрсатувининг Ўзбекистонга бағишланган сони намойиш этилди. Бу ҳақда «Afisha» сайти хабар бермоқда.

Кўрсатув бошловчиси, англиялик Жон Уоррен 2012 йилдан бошлаб «НТВ» каналида «Поедем, поедим!» («Борамиз, тановул қиламиз») номли шоуни олиб боради.

2015 йил ноябрида Жон суратга олиш гуруҳи билан бирга Ўзбекистонда бўлди ва Самарқанд ҳақида ҳикоя қилувчи кўрсатув тайёрлади. Унда қадим шаҳар тарихи, гилам тўқиш ва сўзана тикиш, нон ёпиш ва миллий таомлар тайёрлаш жараёнлари, ўзбек бозорининг ўзига хос томонлари акс эттирилган.

Тасвирга олиш гуруҳининг Ўзбекистонга сафари «Ўзбектуризм» миллий компанияси кўмагида амалга оширилди.

Шаҳрихонда

янги йил янгиланишлар, бунёдкорликлар билан бошланди

Шаҳрихон туманида маданият ва аҳоли дам олиш марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар аҳолига яратилган бундай шароит учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

400 ўринли томоша залида туман бадиий ҳаваскорлари, «Чашма» ашула ва рақс халқ ансамбли ҳамда ёш санъаткорлар иштирокида тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

ОЛИМПИАДА ШОҲСУПАСИГА ЙЎЛ

Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари янги йилда кўпроқ медалларни қўлга киритишга бел боғлашмоқда.

■ Янги — 2016 йил мамлакатимиз спортчилари учун мусобақаларга бой бўлади. Бу йил ҳамюртларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатлари, йирик халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш билан биргаликда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этади.

Ўзбекистон дзюдо федерацияси президенти, 1996 йилги Атланта олимпиадаси кумуш медали совриндори Армен Бағдасаров билан ўтган мавсум якунлари, Янги йил режалари хусусида суҳбатлашдик.

— Поёнига етган 2015 йил мамлакатимиз дзюдочилари ҳаётида қандай из қолдирди?

— Ўтган йил биз учун ғалабаларга бой бўлди. Айниқса, август ойида Босния ва Герцоговинанинг Сараево шаҳрида кадетлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш спортчиларимиз эришган муваффақият ўзбек дзюдоси тарихида муҳим воқеа бўлди. Унда Диёра Келдиёрова (48 кг) қизлар ўртасида жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Шунгача қизларимиздан бирортаси бундай юксак натижага эришмаган эди. Шунингдек, мазкур нуфузли мусобақада йигитларимиздан Жасур Содиқов (73 кг) ва Шерхон Тўрабоев (81 кг)лар шоҳсупанинг фахрли учинчи поғонасидан жой олди. Жамоавий баҳсларда эса Ўзбекистон ёшлари бронза медалини қўлга киритди. Бу ютуқлар, аввало, юртимизда болалар спортини ривожлантиришга берилаётган катта ғамхўрликнинг самараси, деб биламан. Қолаверса, бу мамлакатимизда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни излаб топиш борасида мураббийларимиз фаолияти тўғри йўлга қўйилганлигининг натижасидир.

Бундан ташқари, катталар ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионати, Гран-при ҳамда «Катта дубулға» туркумидаги қатор нуфузли турнирларда вакилларимиз кучлилар қаторидан жой олганлиги барчамизни хурсанд қилди.

— Ўтган йили истеъдодли дзюдочиларимиз — Диёрбек Ўразбоев ҳамда Шарофиддин Лутфуллаевлар учун мавсум кутилганидан-да омадли келди. Улар бир хил — 60 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида кўплаб йирик халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлишди. Рио-де-Жанейро олимпиадаси йўлланмалари учун муҳим рейтинг очколарини қўлга киритишди. Аммо бу вазн тоифасида фақат бир нафар спортчи Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Олимпиада йўлланмаси кимга берилади?

— Албатта, бу икки моҳир дзюдочимиз ўтган йил давомида эришган натижалари мутахассисларимизни беҳад қувонтирди. Айни чоғда улар дунё таснифида тўплаган очколари бўйича бир-бирига яқин туришибди. Шарофиддин Лутфуллаев олтинчи, Диёрбек Ўразбоев эса ўн тўртинчи поғонада бормоқда. Улардан қай бирининг Рио-де-Жанейро олимпиадасида қатнашишини айтишга ҳали эрта. Буни вақт кўрсатади. Аниқроғи, спортчиларнинг янги мавсумда қўлга киритадиган натижасига қараб, бир хулосага келиш мумкин. Аслида уларнинг ҳар иккиси ҳам Рио-де-Жанейро олимпиадасида қатнашишга муносиб. 2016 йилда бўладиган халқаро турнирларда улар эришадиган натижалари масалага ойдинлик киритиб беради.

— Юртимизнинг энг номдор дзюдочиларидан бири Ришод Собиров ўтган йил ўзи учун янги (66 кг) вазн тоифасида жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди. Пекин ва Лондон олимпиадалари бронза медали совриндорининг XXXI ёзги Олимпия ўйинлари олдидан имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Ришод — мамлакатимизнинг энг тажрибали дзюдочиларидан, албатта. Рио-де-Жанейро олимпиадаси унинг учун учинчиси бўлади. Икки бор бронза медалидан кейин Ришод фақат олтин медаль ҳақида ўйлаяпти. Унинг жуда меҳнаткаш ва тиришқоқлиги кўпчилик спортчилар учун ибрат бўла олади. Жароҳатларига қарамай, ўтган мавсумда Ришод Собиров Алматида ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медални қўлга киритди. Бу натижа ҳозирча унинг учун янги ваздаги энг катта соврин ҳисобланади. Қолаверса, Ришод шу билан кифояланиб қолмасдан Самсун (Туркия)да ўтган Гран-при туркумидаги халқаро турнирда олтин, Варшава (Польша)даги Европа очиқ чемпионати ва Абу-Даби (Бирлашган Араб Амирликлари)да уюштирилган «Катта дубулға» халқаро турнирида бронза медаллари билан тақдирланди.

— Спортда башорат ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Шундай бўлса-да, Рио-де-Жанейро олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоасидан қандай натижаларни кутяпсиз?

— Бош мақсадимиз, аввало, XXXI ёзги Олимпия ўйинларига кўпроқ йўлланмаларни қўлга киритишдир. Ҳозирча спортчиларимизнинг дунё рейтингида эришган натижаларидан кўнглимиз тўқ. Жумладан, унда Шарофиддин Лутфуллаев, Диёрбек Ўразбоев (иккиси ҳам 60 кг), Ришод Собиров (66 кг), Мирали Шарипов (73 кг), Шаҳзод Собиров, Яҳё Имомов (81 кг), Шерали Жўраев (90 кг), Рамзиддин Саидов (100 кг), Абдулла Тангриев (+100кг)лар кучли ўттизликдан жой олиб турганлиги фикримиз тасдиғидир. Улар орасидан эса Рамзиддин Саидов Рио-де-Жанейро олимпиадасига биринчи бўлиб йўлланмани қўлга киритишга яқин турибди.

Бу йилги тақвим бирмунча тиғиз. Олимпия ўйинларига рейтинг очколари тақдим этувчи мусобақалар шу йилнинг 22 январидан бошланади. Гран-при туркумидаги дастлабки йирик халқаро турнир Кубада ўтказилади.

— Халқаро дзюдо федерацияси қарорига кўра, ўтган йил пойтахтимиз Гран-при туркумидаги халқаро турнирга учинчи маротаба мезбонлик қилди. Тақвим бўйича яна бир бор ана шундай мусобақа Тошкентда ўтказилади. Ундан кейин ҳам юртимизда шу каби йирик халқаро мусобақаларни уюштириш режалаштирилганми?

— Халқаро дзюдо федерацияси қарорига кўра, Тошкент қаторасига тўрт йил Гран-при халқаро турнирига мезбонлик қилиши кўзда тутилган. Якунланган учта турнир юксак савияда ташкил этилганлиги халқаро спорт жамоатчилиги томонидан эътироф этилди. Айниқса, мухлислар кўплиги Халқаро дзюдо федерацияси раҳбарлари томонидан юқори баҳоланди. Бу мусобақанинг юртимизда ўтказилиши мамлакатимизда янги-янги истеъдодларни кашф этишда жуда қўл келаётганлигини таъкидлашни истардим. Ўтган йилги беллашувларда дзюдочиларимиз биттадан олтин ва кумуш, тўртта бронза медални қўлга киритиб, ўз рейтинг очколарини бойитиб олишга муваффақ бўлдилар.

Келажакда бу каби нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилишдан умидвормиз, албатта. Жумладан, Гран-при туркумидаги навбатдаги халқаро турнир Тошкентда Рио-де-Жанейро олимпиадасидан сўнг ўтказилади. Федерациямиз келгусида ҳам халқаро турнир мезбонлигига юртимиз даъвогар эканлиги хусусида ўз таклифларини билдиради. Балки, пойтахтимизга келгусида «Катта дубулға» туркумига кирувчи халқаро турнирлардан бири ишониб топширилар?! Чунки охирги йилларда Ўзбекистон нафақат дзюдо, балки бошқа спорт турлари бўйича ҳам Осиё ва жаҳон чемпионатларига муносиб мезбонлик қилиб келмоқда. Бу борада мамлакатимизда бой тажриба тўпланган, барча шарт-шароит яратилган, имкониятлар етарли.

Самандар БОБОРАЖАБОВ суҳбатлашди.

ИБРАТ

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти, бир гуруҳ талабалар, ЎзХДП Чирчиқ шаҳар Кенгаши вакиллари ўз хизмат вазифасини ўтаётган пайтда ҳалок бўлган чирчиқлик катта лейтенант Олег Новиковнинг хонадонида бўлишди.

Ватан ўз қаҳрамонларини унутмайди

— Турмуш ўртоғим вафот этганига 22 йил бўлди, — дейди **Олег Новиковнинг турмуш ўртоғи Флора Новикова.** — Шунча вақт ўтса ҳам у худди ёнимда, мен билан бирга нафас олаётгандек гўё. Фарзандларим Никита ва Олегларни бирга тарбиялаётгандек тасаввур уйғотаверади. Олег вафот этгандан сўнг иккинчи ўғлим дунёга келди. Унга отасидек мард, Ватанига содиқ хизмат қиладиган инсон бўлсин, деб Олег исмини қўйдим. Йиллар ўтиб, фарзандларим улғайди. Иккаласи ҳам ота касбини танлашга қарор қилишганини айтишгандаги ҳолатимни сўз билан ифода этиб бера олмайман. Ҳозир

ҳар иккала ўғлим ҳам Жиззах ҳарбий билим юртида таҳсил олишмоқда. Мен улар билан фахрланаман.

Самимий суҳбат анчагача давом этди. Меҳмонлар ўзлари билан олиб келган совға-саломларни хонадон соҳибига тухфа қилишди, эсдалик учун суратга тушишди.

Олег Новиковнинг хонадонидан унинг дўстлари, курсдошлари ва хизматдошларининг қадами узилмайди. Улар Олегни хотирлашади. Халқимиз тинчлиги ва осойишталиги учун ўз жонини қурбон қилган ўғлонлар ҳеч қачон унутилмайди, ҳамиша ёдимизда, қалбимизда яшайди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

БАРЧА ХОНАНДАЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Наврўз умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказиш ҳамда 2016 йил — Соғлом она ва бола йилига бағишлаб миллий қадриятларимизга хос бўлган, миллий оҳангларга, эзгулик, меҳр-муҳаббат, инсонийлик туйғуларига йўғрилган, она табиатни, гўзалликни, баҳор фаслининг нафосатини акс эттирган янги қўшиқларни қабул қилади.

Тақдим этилаётган қўшиқлар CD дискда ёзилган бўлиб, матни, муаллифи, ижрочиси ҳақидаги тўлиқ маълумот билан бирга топширилади. Барча хонандалар ҳамда ҳудудий бўлинмалар орқали олинган янги қўшиқлар тўплами Бирлашмада кўриб чиқилади ва энг яхши қўшиқлар республика миқёсида ўтказиладиган Наврўз байрами тантаналари дастурига киритилади.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2(«Туркистон» санъат саройи), «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси.
Мурожаат учун телефонлар: 234-52-90, 235-52-80, 234-50-99.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, 29-сонли умумтаълим мактаби директори Жамила Тўрақуловага волидаи муҳтарамаси **ҲАМРО ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Газетанинг навбатдаги сони 26 январь, сешанба куни чиқади.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159
17390 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 01.30
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 5 6